

Вақт қиймати ҳақида суннати мутахҳарода келган хабарлар



14:20 / 18.01.2019 3629

Суннати мутахҳарода вақт қиймати ҳақида ёрқин хабарлар келган. Жумладан Бухорий, Термизий ва Ибн Можалар Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилишган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар:

«Кўп инсонлар бебаҳра бўлган икки неъмат бор: соғлик ва бўш вақт».

Демак, вақт катта неъмат ва улкан ҳадя бўлиб, ҳадиси шариф лафзида «**кўп инсонлар бебаҳра**» дейилишига кўра, бундай буюк ҳадядан жуда кам инсонларгина баҳраманд бўлар экан. Бу икки неъматни исроф қилиб бебаҳра қоладиганлар эса кўпчиликни ташкил экан.

